

ДИНИЙ МАРКЕРЛАНГАН АЛЛЮЗИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Мухайё Рахматиллаевна ФАЙЗУЛЛАЕВА

Ўқитувчи

Лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент, Ўзбекистон

РЕЛИГИОЗНО МАРКИРОВЕННАЯ АЛЛЮЗИЯ И ЕЕ ТИПЫ

Мухайё Рахматиллаевна ФАЙЗУЛЛАЕВА

Преподаватель

Кафедра лингвистики и английской литературы,

Узбекский государственный университет мировых языков, Ташкент, Узбекистан

RELIGIOUSLY MARKED ALLUSION AND ITS TYPES

Mukhayyo Rakhmatillaevna FAYZULLAEVA

Teacher

Department of Linguistics and English Literature

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan muhayyo.fayzullayeva.93@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 372.881.111.1

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Файзуллаева М. Р. Диний маркерланган аллюзия ва унинг турлари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. —

№ 4 (33). — Б.80-91.

<https://doi.org/10.36078/1605340176>

Received: June 03, 2019

Accepted: October 17, 2020

Published: November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мазкур мақолада диний маркерланган аллюзия, унинг турлари, вазифалари ва хусусиятлари инглиз адабий матнлари таҳлили асосида тадқиқ этилди. Кўзланган мақсадга эришиш учун даставвал, теолингвистика фани тил ва дин ўртасидаги боғлиқликлар ҳамда ушбу диний факторларни лингвистик воситалар ёрдамида тилда намоён бўлишини ўрганувчи тилшунослик бўлими эканлиги, диний маркерланган аллюзия мазкур фаннинг алоҳида эътиборга молик тадқиқот объектларидан бири ҳисобланиши масалалари ёритилди. Мақолада ушбу тил бирлигининг когнитив ва аксиологик таъсир кучига эгалиги ва диний дунёқараш шаклланишида муҳим аҳамият касб этиши ҳам ўрганиб чиқилди. Бундан ташқари, диний маркерланган аллюзиялар адабий матнда ўзига боғлиқ бўлган маълум бир прецедент ҳодиса ва билим тузилмаларига ишора, адабий матндаги қаҳрамоннинг ички дунёси ва психологик ҳолатини характерловчи тил бирлиги ҳамда реципиент матндаги яширин концептуал ахборотни очиб берувчи восита бўлиб келиши мумкинлигига урғу берилди. Тадқиқот давомида аллюзиянинг куйидаги турлари таҳлил қилинди: диний маркерланган аллюзив антропоним, топоним, фразеологик бирлик, эпиграф, сарлавҳа ва ҳодиса. Таҳлил жараёнидан олинган натижаларга кўра имплицит характерга эга бўлган диний маркерланган аллюзиялар китобхонда мавжуд диний билим тузилмаларини фаоллаштириш орқали бадий матнда ифодаланган концептуал ахборотни англаш ва ўзлаштириш имконини беради.

Калит сўзлари: теолингвистика; диний маркерланган аллюзия; интертекстуаллик; интертекст; прецедент матн; билим тузилмалари.

Аннотация. В этой статье исследуются религиозно маркированные аллюзии, их типы, функции и особенности на основе анализа английских художественных текстов. Для реализации этой цели, прежде всего, исследуются вопросы связанные с теолингвистикой, которая является одним из направлений лингвистики, изучающая связи между языком и религией и проявление этих религиозных факторов в языке, и в дополнение к этому, религиозно отмеченные аллюзии рассматриваются как один из важнейших объектов исследования данной дисциплины. В статье также раскрываются особенности этого лингвистического инструмента, который обладает силой когнитивного и аксиологического воздействия и играет важную роль в формировании религиозного мировоззрения. Функционируя в художественном тексте, религиозно-маркированные аллюзии активизируют определенную прецедентную ситуацию и связанные с ней структуры знания; служат средством характеристики эмоционального состояния и морального облика определенного персонажа; способствуют раскрытию концептуальной информации, заложенной в основу произведения. В ходе исследования были проанализированы следующие типы аллюзий: религиозно маркированный аллюзионный антропоним, топоним, фразеологизм, эпиграф, титул, событие. Согласно результатам анализа, религиозно отмеченные аллюзии имплицитного характера позволяют читателю понять и усвоить концептуальную информацию, выраженную в художественном тексте, путем активации существующих структур религиозного знания.

Ключевые слова: теолингвистика; религиозно-маркированная аллюзия; интертекстуальность; прецедентный текст; интертекст; структуры знания.

Abstract. The article deals with the study of religiously-marked allusion and its types in English fictional texts in the framework of theolinguistics, a new linguistic trend concerned with the study of the relationships between language and religion focusing its attention on the study of religious factors' representation in language. Religiously-marked allusion functioning in literary text activates in readers' mind different religious knowledge structures that are considered to be axiologically significant for a certain culture. Thus, religiously-marked allusion can be interpreted as both cognitively and axiologically significant language unit. Functioning in literary texts, religiously-marked allusions activate a certain precedent situation and knowledge structures connected with it; serve as a means of characterization of personages' inner psychological state and morals; help to reveal conceptual information laid on the basis of a literary work. On the basis of analysis, the following types of allusion were revealed: religiously marked allusive anthroponym, toponym, phraseological unit, epigraph, title and event. According to the results of the analysis, religiously marked allusions of an implicit nature allow the reader to understand and assimilate the conceptual information expressed in a fictional text by activating existing structures of religious knowledge.

Keywords: theolinguistics; religiously marked allusions; intertextuality; intertext; precedent text; knowledge structures.

Кириш. Дин инсон ҳаётидаги энг муҳим ва аксиологик аҳамиятга эга тушунчалардан бири. Диннинг бекиёс ўрни унинг инсон онгида атроф – муҳитда содир бўлаётган воқеликларни акс этиши ҳамда уларга нисбатан маълум муносабат билдиришига бевосита таъсир кўрсата олишида яққол кўринади. Дин маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, маданиятнинг турли қатламларига архитектура, санъат, ижодий фаолият, мусика, илм-фан, адабиёт, одоб-ахлоқ қоидаларига бевосита таъсир этади. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ҳаётӣ фаолиятига ҳар доим икки омил таъсир кўрсатади - диний ва маданий. Зеро, дин ва маданият кишилар учун илҳом ўчоғи вазифасини бажаради. Ушбу боғлиқликларни вербаллаштирувчи восита эса тил ҳисобланади. Ҳозирги кунда тил – дин – маданият учлиги ва ушбу учликка кирувчи компонентлар ўртасидаги боғлиқлик ва уларни юзага келтирувчи омилларни ўрганиш долзарбдир. Тилни ва унда сўзлашувчи инсонларнинг дунёқарабини тадқиқ этишда дин ва маданият факторларини ҳисобга олмаслик унинг қисман ўрганилишига олиб келади. Тил ва дин муаммосини ёритиб беришда тил фалсафаси илми дохйлари А.Ф. Лосев, С.Н. Булгаков ва В.И. Поставалованинг қўшган ҳиссаси улкан. Хусусан, В.И. Поставалова тил бирликларини тадқиқ этишда теoантропокосмик (Худо – одамзод – коинот бирлиги) ёндашувини татбиқ этишни таклиф қилган (8; 9).

Тил ва дин иккилиги муаммоси долзарблиги фанда турли қарама-қаршиликларга ҳам сабаб бўлмоқда: баъзилар ушбу масала махсус фан – теoлингвистика доирасида ўрганилиши керак деса, бошқалар ушбу муаммо тилшуносликда мавжуд бўлган анъанавий йўналишлар (функционал стилистика, дискурс, коммуникатив лингвистика, когнитив лингвистика ва лингвокультурология доирасида) ҳам тадқиқ этилиши мумкин, деган фикрдалар (6, 60). Бизнинг фикримизча, тил ва дин муаммоси янги ривожланиб келаётган лингвистик фан – теoлингвистика доирасида ўрганилиши керак. Теoлингвистика алоҳида бир илмий йўналиш сифатида юзага келиши ҳақида батафсил маълумотлар дастлаб Й. П. ван Ноппен, Д. Кристал, А. К. Гадо́мский ҳамда Н.А. Кравченко мақолаларида келтирилган. Фан номи эса илк бор белгиялик тилшунос Й. П. ван Ноппен томонидан 1981 йилда ўзининг мақолалар тўпламида келтирган. А. К. Гадо́мский, В.И. Поставалова, М.Р. Галиева ҳам айнан “Теoлингвистика” термини тил ва дин ўртасидаги боғлиқликни тўлақонли ифодалай олади, деган фикрни билдирганлар (5; 6; 8). Хусусан, А. К. Гадо́мский фикрига кўра, ушбу термин “икки зарур компонентни ўзида мужассам этади: бир томондан, мустақил равишда икки илмий йўналиш, яъни диншунослик ва тилшуносликни англатса, иккинчи томондан, ана шу икки фан ўртасидаги мавжуд алоқага урғу беради” (5, 289).

Асосий қисм. Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг охирларидан ҳозирга қадар, теoлингвистиканинг асосий тадқиқот объекти диний матнлар бўлиб, уларнинг предмети сифатида фақатгина диний матнларда учровчи диний тил ҳамда унинг фонетик, грамматик, лексик ва стилистик хусусиятлари ўрганилган (В.П. Алстон, Н. Хезер, Й.П. ван Ноппен, В.И. Карасик). Аммо М. Р. Галиева теoлингвистика фанининг тадқиқот марказида нафақат диний тил ва унинг хусусиятлари, балки диний онг ва дунёқарашни турли диний маркерланган лингвистик бирликлар воситасида оламнинг лисоний манзарасида акс этиши масалалари ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблайди. (6, 62). Бунда тилнинг диний сайқалланган лексик, фразеологик, паремиологик бирликлари турли услубдаги матнлар

(адабий, публицистик, газета ва бошқалар) да ассоциатив бирлик кашф этган ҳолда теологиянинг тадқиқот объектига айланади.

Ушбу тил бирликларини таҳлил қилишда, айниқса, адабий матн алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, адабий матн турли мазмундаги ахборотни сақлаш, узатиш ва қайта ишлашда бирламчи восита ҳисобланади. Кўп ҳолларда адабий матн ўз таркибида бошқа бир (диний, мифологик, адабий) матнга ишоравий маъно сакловчи лингвистик манба вазифасини ҳам бажаради. Бу эса, ўз навбатида, интертекстуаллик воситалари (сарлавҳа, эпиграф, цитата, антономазия, аллюзия ва бошқалар) ёрдамида амалга оширилади. Интертекстуаллик бадиий матн категорияларидан бири бўлиб, икки ва ундан кўпроқ матнларнинг кооперациясини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, ушбу тушунча маълум бир матнда турли манбалардан баъзи воқеалар, шахслар, жойлар ва бошқаларга нисбатан ишоравий элементларни юзага келтириш жараёнини ифода этади. Интертекстуаллик прецедент ҳамда реципиент матн бирлигини юзага келтиради. Прецедент матн реципиент матн учун манба вазифасини бажаради, натижада интертекст, яъни матнда ўқувчига маълум бўлган билим тузилмасини ишга солувчи махсус парча вужудга келади (1, 98).

Шу ўринда айтиш жоизки, аллюзия (диний, мифологик, адабий ва тарихий) адабий матнда энг кўп фойдаланиладиган интертекстуаллик воситаси ҳисобланади. Аллюзия стилистик воситалардан бири бўлиб, машҳур адабий, диний, тарихий, мифологик факт, воқеа-ҳодиса, шахс ва жой номининг бошқа ёзма ёки оғзаки нутқ жараёнида келтирилишидир (3, 79; 7). Аллюзия икки томонлама стилистик ва когнитив аҳамиятга эгаллиги билан характерлидир: бир томондан аллюзия прецедент матн орқали маълум бир билим тузилмасига ишора қилса, иккинчи томондан реципиент матнда аллюзия кўпинча эмотив ва экспрессив характерга эга имплицит маънони ифода этади. Ушбу имплицит маънони юзага чиқариш учун эса ўқувчи маълум бир билим тузилмаларига эга бўлиши керак.

Мазкур тадқиқот доирасида адабий матнда аллюзиянинг айнан диний матнга ишораси тадқиқ қилинади. Диний матнлар (Инжил, Қуръон) прецедент матнга хос барча хусусиятларни ўзида мужассам этади: 1) ҳамма учун маълумлиги (барча маданий қатламлар учун универсаллик); 2) адабий, публицистик ва бошқа матнларда қўлланиш рекуррентлик даражаси; 3) турли соҳаларда реинтерпреталлашуви, яъни қайта талқинлана олиши; 4) аксиологик аҳамиятга эгаллиги; 5) символлилик, зеро диний маркерланган тил бирликлари аллақачонлар ҳамма учун таниш бўлган ва маълум бир образларга (символлар) ишора қилади; 6) когнитив аҳамиятга эгаллиги, чунки диний маркерланган тил бирликлари ўқувчида ёки тингловчида мавжуд билим тузилмаларини ишга солади ҳамда матннинг чуқур семантик қатламини англашга кўмаклашади (6, 153). Интертекстда диний маркерланган аллюзиялар диний дунёқарашни ифодалашда муҳим аҳамиятга эгадир. Айтиш жоизки, диний маркерланган аллюзиянинг турли адабий матнлардаги ассоциатив вербаллашувини ўрганиш натижасида унинг прагматик жиҳатдан қуйидаги хусусиятларни ўзида мужассам этиши маълум бўлади: тимсоллилик; диний ҳамда мифологик билим тузилмаларининг мавжудлиги; концептуал моҳият касб этиши; ёзувчи дунёқарашини ифодалаш (6, 136).

Юқорида таъкидланганидек, диний маркерланган аллюзияларнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчида диний билим тузилмаларини фаоллаштиришдан иборатдир. Айни дамда “билим тузилмалари” тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтиш муҳимдир. Ушбу тушунча замонавий

лингвистика йўналишларидан бири бўлган когнитив тилшуносликнинг тадқиқот объектларидан бири бўлиб, инсонни ўраб турган атроф-муҳитни унинг онгида вербал ва новербал алоқалар маҳсули сифатида моддийлашуви тушунилади. Инсон онгида маълумотлар маълум бир концептлар, аналогиялар, тасвирлар орқали концептуал дунёқараш элементларининг яхлит комплекси сифатида шаклланади (2, 126). Маълумки, инсон билим доираси алоҳида йўналишларда чегараланмайди, аммо комплекс равишда инсон хотирасида бутун умри давомида олинган билимлар натижасида унинг концептуал олам манзарасини шакллантиради. Когнитив лингвистикада бир қатор олимлар асосан билим тузилмаларининг икки тури мавжудлигини эътироф этадилар: лингвистик (лингвистик – грамматика, фонетика, лексика, фразеология, сўз тузилиши, семантика, стилистика) ва тилдан ташқари (экстралингвистик – маданий билимлар: санъат, адабиёт, тарих, дин, маданият; коммуникатив: сўзлашув жараёни, қатнашчилари, мақсад ва натижага оид билимлар; маълум маданий қатламда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидалари, эстетик нормалар ҳақидаги билимлар). Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган билим тузилмаларининг ҳеч бири иккинчисини инкор қилмайди, балки улар бевосита ҳамда билвосита алоқага киришган ҳолда инсоннинг бошқалар билан алоқага киришиш жараёнида комплекс тарзда унга ҳар томонлама ёрдам берадилар. Демак, интертекстуалликни ҳосил қилувчи мақсадлардан бири инсонда мавжуд билим тузилмаларини ишга солиш орқали ёзма ёки оғзаки матндан кўзланган мақсадга эришиш экан.

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, диний манбаларга (ислом, христианлик, буддавийлик ва бошқа динларнинг муқаддас китоблари, ривоятлар) ишора қилувчи аллюзиялар диний фон яратади ва ўқувчи ёки тингловчида интертекстдаги маълум воқеликка нисбатан диний билим тузилмаларини фаоллаштиради. Ушбу мақолада биз диний аллюзияларнинг бадий матнда ассоциатив вербаллашуви хусусиятларини кўриб чиқамиз. Бизнинг тадқиқотимиз, диний аллюзиялар қуйидаги бирликлар орқали ифодаланишини кўрсатди: диний маркерланган антропоним, топоним, фразеологик бирлик, сарлавҳа, эпиграф ва аллюзив воқеа.

Диний маркерланган аллюзив антропонимлар диний маркерланган аллюзияларнинг алоҳида эътиборга молик турларидан бири бўлиб, у орқали ёзувчи маълум бир диний манбадаги шахсга ёки қаҳрамонга ишора қилади. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад ўқувчида аввалдан мавжуд бўлган диний билим тузилмаларини фаоллаштириш ва бу орқали китобхон кўз ўнгида бир томондан диний қаҳрамон, иккинчи томондан эса асар қаҳрамонларининг характерини, рухий ҳолатини, ташқи кўринишини гавдалантириш ҳамда бу орқали асар персонажи ва диний қаҳрамон орасидаги боғлиқликларга ишора қилишдан иборатдир. Қуйида Марк Твен томонидан ёзилган “Хакелбери Фин саргузаштлари” асаридан парча таҳлили: *“Every time he got money he got drunk; and every time he got drunk he raised **Cain** around town; and every time he raised **Cain** he got jailed. He was just suited—this kind of thing was right in his line”¹* (10, 25).

Мазкур асарнинг олтинчи бўлимидан олинган ушбу парча асар бош қаҳрамони Хакелберининг ўз отаси Пеп Финга берган таърифи билан

¹ “Ҳар доим қўлига пул тушганида, у ичиб оларди; ва ҳар доим ичиб олганида шахар бўйлаб Қобилдек ҳаракатланарди; ва ҳар доим Қобилга айланганида зиндонбанд этиларди”.

бошланади. “*Cain*” аллюзив антропоним ёрдамида муаллиф Пеп билан христиан дини муқаддас китоби Инжилдаги Қобил ўртасида қиёсий таҳлил ўтказмоқда. Маълумки, Инжилдаги ривоятга кўра Худога Ҳобилнинг тортиғи Қобилникига қараганда кўпроқ маъқул келади. Натижада Қобилнинг феъл-атворидаги салбий жиҳатлари юзага чиқа бошлайди: “...while Abel brought the best portions of the firstborn of his flock. And the LORD looked with favor on Abel and his offering, but He had no regard for Cain and his offering. So Cain became very angry, and his countenance fell”² (4; 14). Худога Ҳобилнинг тортиғи кўпроқ манзур келади, натижада Қобилнинг инъомига эътибор қаратмайди. Қобил эса ўз укасига Худо томонидан қилинган марҳаматдан ғазабнок бўлиб, тушкун ҳолатга тушади, тушкунлик ҳолати бора-бора ҳасадга айланади ва натижада уни қотилга айлантиради “...Then Cain said to his brother Abel, “Let us go out to the field.” And while they were in the field, Cain rose up against his brother Abel and killed him”³ (4; 14).

“Ҳакелбери Фин саргузаштлари” асарида Пеп ҳам зўравон, ҳасадгўй, ғазабкор ва қаҳрли ота сифатида тасвирланган бўлиб, куйида Пепнинг ўз ўғли Ҳакелберига мурожаатининг таҳлили Қобил ва Пеп ўртасида ўхшашликни юзага келтиради:

“.. I’ll take you down a peg before I get done with you. You’re educated, too, they say—can read and write. You think you’re better’n your father, now, don’t you, because he can’t? I’ll take it out of you”⁴ (10, 21).

Юқоридаги парчада куриниб турибдики, Пеп ҳам Қобил сингари ўз ўғлига нисбатан ҳасад ва ғазаб ҳис этади ва унга жисмоний тазйиқ ўтказади: *I’ll take you down a peg before I get done with you (Сени қозиққа ўтказиб адабингни бераман)*.

Марк Твен ўз асари қаҳрамони Пепни Қобилга қиёслаётгани ҳар икки манбанинг семантик ва лексик қатламида ўз ифодасини топган: биринчидан, Пеп ва Қобил образларидаги мутаносиблик, яъни жоҳиллик, аламзадалиқ, ҳасадгўйлик ва ёлғончилик каби салбий иллатлар йиғиндиси мавжудлиги; иккинчидан, ҳар икки персонажнинг ҳам ўз ўлжасига нисбатан жисмоний куч ишлатиши.

Диний маркерланган аллюзив топонимлар диний маркерланган аллюзияларнинг ёзувчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган турларидан бири ҳисобланади. Диний аллюзив топонимлар орқали маълум бир воқеа содир бўлаётган жой, макон, ҳолат ва шароит ўқувчи диний билимида аввалдан мавжуд бўлган ҳамда дин оламида маълум ва машҳур жой номи билан боғланади. Диний маркерланган аллюзиянинг ушбу турига машҳур америкалик ёзувчи Стефан Винцент Бенет томонидан ёзилган “By the Waters of Babylon” (“Бобил қирғоқларида”) номли ҳикоясини мисол келтириш мумкин.

Ушбу ҳикоянинг сарлавҳасида Инжилда тилга олинган шаҳарлардан бири Бобилга аллюзив ишора қилинади. Ҳикояда икки маскан тилга олинган бўлиб, бири қаҳрамоннинг қишлоғи ва иккинчиси “the Place of the

² “..Ҳобил сурувининг энг яхши қисмини тортиқ қилди. Худо Ҳобил ва унинг қурбонлигига марҳамат билан қаради, лекин Қобил ва унинг тортиғига эътибор бермади. Натижада Қобил ниҳоятда ғазабланди ва тушкун бўлиб қолди”.

³ “Кейин Қобил укаси Ҳобилга деди: “Кетдик далага”. Ва улар далада бўлган пайтларида Қобил укаси Ҳобилга ҳужум қилди ва уни ўлдирди”.

⁴ “Сени қозиққа ўтказиб адабингни бераман. Айтишларича, Ўқимишлисан – Ўқий оласан ва Ўза оласан. Сен отанг бундай қилолмагани учун Ўзингни яхшироқман, деб ўйлайсан, шундай эмасми? Мен сени бундан маҳрум қиламан”.

Gods”, яъни Нью-Йорк шаҳри. Ҳикояни ўқиш орқали ҳақиқатан ҳам ҳикоядаги “ the Place of the Gods” (“Худолар шаҳри”) ва диний ҳамда тарихий асосга эга Бобил шаҳри ўртасида аналогия борлигига амин бўлиш мумкин. Ушбу боғлиқликни туғдирган икки элемент ҳақида қуйида мулоҳаза юритилади.

Биринчидан, Инжилга кўра Бобил ўз вақтида ниҳоятда қудратли шаҳар бўлиб, кейинчалик Худонинг қаҳрига учраб инқирозга юз тутди: *“And Babylon, the glory of kingdoms, the beauty of the Chaldees' excellency, shall be as when God overthrew Sodom and Gomorrah”*⁵ (14)

*“Indeed Babylon is to fall for the slain of Israel, As also for Babylon the slain of all the earth have fallen”*⁶ (4; 14).

Бенетнинг ҳикоясида эса худди шундай аналогия “the Place of the Gods” (“Худолар шаҳри”) билан юз беради, чунки асарда бир вақтлар шон-шуҳратга эга бўлган қудратли шаҳарнинг вайрон бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Нью-Йорк шаҳри ҳар томонлама юксак цивилизация ўчоғи бўлса-да, худди Бобил сингари вайрона остида қолган ташландиқ худуд сифатида таърифланади: *“I found it at last in the ruins of a great temple in the mid-city. A mighty temple it must have been, for the roof was painted like the sky at night with its stars—that much I could see, though the colors were faint and dim. It went down into great caves and tunnels—perhaps they kept their slaves there”*⁷ (11, 6).

Иккинчидан, ҳикоя бош қаҳрамони Жон ушбу маконга қилган саккиз кунлик саёҳати давомида Худсон дарёси соҳилида туриб, Нью-Йорк шаҳри харобаларини томоша қилади: *“At last, I came out upon an open place at the top of a cliff. There was the great river below, like a giant in the sun. It is very long, very wide. It could eat all the streams we know and still be thirsty. Its name is Ou-dis-sun, the Sacred, the Long”*⁸ (11, 3). Бобилликлар Исроилни босиб олиб, уни вайрон қилганларида ҳам яҳудийлар Бобилдан оқиб ўтган дарё соҳилида бир вақтлар гуллаб яшнаган юртларига назар солганлари Инжилнинг қуйидаги сатрларида ўз ифодасини топган:

*“By the waters, the waters of Babylon
We sat down and wept,
and wept, for thee, Zion”*⁹ (14).

Демак, хулоса қилиб айтганда, христиан дини муқаддас китоби Инжилдаги Бобил ҳамда Стефан Винцент Бенет ҳикоясидаги Нью-Йорк шаҳри ўртасидаги боғлиқликларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: 1) ҳар иккала шаҳар ҳам авваллари юксак куч-қудратга эга бўлган; 2) ҳар иккала шаҳар ҳам кейинчалик таназзулга юз тутиб, вайронага айланган; 3)

⁵ “Бобил, қиролликлар улуғворлиги, олий Халдейлар гўзаллиги рамзи, Худо худди Содом ва Гоморани ағдариб ташлагани каби бўлади”.

⁶ “Дарҳақиқат, Бобил Исроил ва бутун дунё халқлари ҳалокатига сабаб бўлгани учун кулаши шарт”.

⁷ “Мен уни ниҳоят шаҳарнинг ўртасидаги улкан маъбудлар харобасидан топдим. Бу қудратли ибодатхона бўлган бўлса керак, чунки томи худди кечаси осмон тўла юлдузлари бўлгани каби тасвирланган – ранглар хиралашган бўлса ҳам, шуни мен кўра олдим. Ибодатхона улкан ғорлар ва туннелларга олиб борарди, эҳтимол шу ерда хизматкорлар ушлаб турилгандир”.

⁸ “Ниҳоят, мен жарликнинг тепасидаги очиқ жойга чиқиб олдим. Пасда худди куёшда акс этган улкан баҳайбат каби виқорли дарё оқарди. У жуда узун, жуда кенг. У биз биладиган барча оқимларни ютиб юбориши ва шунда ҳам чанқайдигандек кўринарди. Унинг номи: Оу-дис-сан, Муқаддас ва Узун”.

⁹ “Бобил дарёлари бўйида ўтирардик ва сен учун кўз ёш тўқардик, Зион”.

хар иккала юртнинг қудрати ва ҳайбати авлодлар томонидан ўқинч билан ёдда сақланади.

Муқаддас ҳисобланган кўпгина диний манбалардаги жумлалар, **диний-маркерланган аллюзив фразеологик бирликлар** турли адабий манбаларда интертекстуаллик асносида қайта қўлланади. Адабий матнларда тез-тез фойдаланиладиган диний маркерланган фразеологик бирликларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, диний маркерланган аллюзив фразеологик бирикма келтирилган асарга мисол тариқасида машҳур инглиз ёзувчиси Чарлз Диккенснинг “Домби ва ўғли” асарининг 23-бўлимидан қуйидаги парчани келтириш мумкин:

“.. for Cap'en Cuttle don't know how to keep a house—and don't deserve to have a house—it's my house—and when I let the upper floor to Cap'en Cuttle, oh I do a thankless thing, and cast pearls before swine!”¹⁰ (12, 228).

“...cast pearls before swine” фразеологик бирлиги “бирор бир қадрли буюм ёки яхшиликни уни қадрлай олмайдиган кимсага тортиқ этиш” деган маънони англатади. Ушбу фразеологик бирлик христиан дини муқаддас китоби Инжилдан олинган бўлиб, маъносига кўра муқаддас ёки бирор бир қимматга эга нарсани уни қадрини билмайдиган инсонларга исроф қилмасликка даъват этади:

“Do not give dogs what is holy; do not throw your pearls before swine. If you do, they may trample them under their feet, and then turn and tear you to pieces”¹¹ (14).

Бадий матн парчасида Мисис Макстингер Капитан Кетлга ўз уйидан бир хонани ижарага бериб, яхшилик қилади, аммо кейин хоним яхшилик қилишга арзимайдиган кишига ёрдам бергани учун надомат қилади: *“.. oh I do a thankless thing, and cast pearls before swine”*. Ёзувчи ушбу ҳолатни диний маркерланган фразеологик бирликни интертекстда акс эттириш орқали ўқувчининг диний билимини ишга солиш, натижада Капитан Кетлга қилинган яхшилик худди чўчкаларга марварид бергандай бефойда иш бўлган, деган имплицит маънони юзага келтиради.

Диний-маркерланган аллюзив сарлавҳа. Диний маркерланган аллюзив сарлавҳага Рудьярд Киплингнинг “Боғбон” (“The Gardener”) асарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу кичик ҳикоя Ҳелен Туррел исми ўзига тўқ оиланинг фарзанди бўлган аёл ва унинг ўғли Майкл ҳақида ҳикоя қилади. Аслида Майкл Ҳеленнинг ўғли бўлиб, у буни ҳаммадан яширади. Асар воқеалари биринчи жаҳон уруши йиллари даҳшати ва унинг аянчли оқибатларини ўқувчи кўз ўнгига гавдалантиради. Майкл кўпчилик тенгқурлари қатори урушга кетади ва ўша ерда ҳалок бўлади. Ҳелен ўғлининг қабрини топиш мақсадида йўлида кўп қийинчиликларга дуч келади. Кунларнинг бирида қабристонда адашиб қолгач, қабрлар орасида чўккалаб ўтирган кишини боғбон (қабристон кузатувчиси) деб ўйлаб, ундан “жиянининг” қабрини топишга ёрдам беришини сўрайди. Киши Ҳеленга ўғлининг қабрини кўрсатиб юборади. Ҳикоя аёлнинг кетаётган чоғида яна ортга қараб, қабрлар орасида тиз

¹⁰ “Капитан Кетл уй тутишни билмайди, уйга эгалик қилишга лойиқ эмас. Бу менинг уйим ва юқори қаватдан Капитан Кетлга жой берганимдан афсусдаман, қадрланмайдиган иш қилиб қўйдим, худдики, чўчканинг олдида марваридлар сочдим”

¹¹ “Муқаддас саналган нарсани итларга берманг; марваридларингизни чўчкалар олдида ташламанг. Агар шундай қилсангиз, улар оёқлари остида уларни топтайдилар, кейин эса ўгирилиб сизни парчалаб ташлайдилар”.

чўкиб ўз вазифасини бажараётган кишини боғбон (қабристон кузатувчиси) дея ўйлаганча у ерни тарк этгани ҳақидаги жумлалар билан якунланади:

“..While she is lost in the cemetery, Helen sees a man kneeling among the graves and, assuming him to be the gardener, she hurries over and asks him for help to find her “nephew’s” grave. The gardener looks at Helen with “infinite compassion” and tells her that he will show her where her son lies. As Helen is leaving the cemetery she turns back for “one last look.” Again, in the distance, she sees the man she thinks is the gardener, and who has shown her to Michael’s grave. He is kneeling over the flowerbeds, “bending over” the young plants which are starting to grow there amongst the graves”¹² (13).

Хелен Р. Киплингнинг ўз асарини “Боғбон” (“The Gardener”) дея номлаши ва аниқ артиклинг (the) ишлатиши шубҳасизки, Христиан дини муқаддас китоби “Инжил”даги Исо пайғамбарнинг қайта тирилиши ҳақидаги воқеага ишора қилаётганини кўриш мумкин:

“.. she turned around and saw Jesus standing there; but she did not recognize that it was Jesus.

“Woman, why are you weeping?” Jesus asked. “Whom are you seeking?”

Thinking He was the gardener, she said, “Sir, if you have carried Him off, tell me where you have put Him, and I will get Him”¹³ (14).

Р. Киплинг Инжилдаги Мери Магдален билан боғлиқ воқеа билан Хелен тақдири орасида параллел боғлиқликни юзага келтиради: 1) Хелен ўз яқин кишининг қабрини изласа, Мери Магдален дафн этилган Исо пайғамбарнинг қабрини излайди; 2) Хелен қабристонда кўрган кишини қабристон боғбони (кузатувчиси) деб ўйлаб, янглишади. Чунки Хелен кишидан “жиянини” қабрини топишда ёрдам беришини сўраганида, киши унга чексиз раҳмдиллик (with “infinite compassion”) билан қарайди ва Хеленга у сўраганидек жиянининг эмас, ўғлининг қабрини кўрсатишини айтади. Оддий боғбон Хелен бутун бир жамиятдан яширган сири, яъни Майкл ўз ўғли эканлигини билиши аслида мумкин эмас. Демак, ёзувчи Инжилдаги Мери Магдален воқеасида бўлгани каби аслида қабристон боғбони (кузатувчиси) Исо пайғамбар, демоқчи. Зеро, унга ҳаммаси маълум. Инжилдаги ҳикояга кўра Мери Магдален қабрни бўш ҳолатда топгач, Исо пайғамбар кўзига кўринади. Мери уни ўлган деб билгани учун танимади ва уни қабристон боғбони (кузатувчиси) деб ўйлаб, ундан Исо пайғамбарнинг танасини топишга ёрдамлашишини сўрайди.

Демак, ҳар иккала ҳолатда ҳам “боғбон” лексемаси муҳим аҳамиятга эга, зеро айнан у асарнинг семантик кўламини ўзида мужассам этади. Аҳамиятлиси шундаки, ҳикоядаги кишининг тиз чўкканча эндиgina ниш ураётган ёш ниҳолларга эътибор қаратаётгани эса инглиз ҳамжамиятининг биринчи жаҳон урушидан кейинги аламли йўқотишларини унутишга,

¹² “Хелен қабристонда адашиб қолганида қабрлараро тиз чўкиб ўтирган кишига кўзи тушади ва уни боғбон деб ўйлаганча унинг олдига шошилади ва ундан “жиянининг” қабрини топиб беришини илтимос қилади. Боғбон Хеленга “чексиз раҳмдиллик” билан қарайди ва унга ўғли қаерда ётганини кўрсатишини айтади. Хелен қабристонни тарк этаётганида охириги марта орқасига қарайди. Яна узокдан у боғбон деб ўйлаган ва Майклнинг қабрини кўсатган кишини кўради. У қабрлар орасида ўсишни бошлаган ёш ниҳоллар узра эгилганча, гулзорлараро тиз чўкиб ўтирарди”.

¹³ “У ўтирилди ва ўша ерда турган Исони кўрди, лекин уни танимади.

Аёл, нима учун йиғлаяпсан? Кимни кидираяпсан - Исо сўради.

У (Мери) уни боғбон деб ўйлаб, деди: Жаноб, агар сиз уни жойидан олган бўлсангиз, қаерга қўйганингизни айтинг, унинг олдига бораман”.

қишдан сўнг албатта баҳор, яъни қайта туғилиш даври келиши ҳақиқатини ўқувчига эслатмоқчи бўлгандек, гўё: "... *He is kneeling over the flowerbeds, "bending over" the young plants which are starting to grow there amongst the graves*"¹⁴ (13).

Диний-маркерланган аллюзив эпиграф. Диний маркерланган аллюзив эпиграфга ҳам Рудярд Киплинг томонидан ёзилган "Боғбон" ҳикояси эпиграфини мисол қилиш мумкин. Ҳикоянинг эпиграфи шеърӣ кўринишда берилган бўлиб, у қуйидаги мисраларда намоён этилган:

*One grave to me was given,
One watch till Judgement Day;
And God looked down from Heaven
And rolled the stone away.
One day in all the years,
One hour in that one day,
His Angel saw my tears,
And rolled the stone away* (13).

Ҳикояни бошлаб берувчи, шу билан бирга унинг ғоявий мазмунини ўзида мужассам этган ушбу тўртлик яна Инжилдаги Исо пайғамбарнинг қайта тирилиши воқеасини (Инжил, Матто, 28: 2) ёдга солади:

*"... for the angel of the Lord descended from heaven, and came and rolled back the stone from the door"*¹⁵ (14).

Шеърда *"rolled the stone away"* жумласининг такрорланиши ўқувчини унга нисбатан алоҳида эътибор қаратиши лозимлигига урғу беради: ушбу жумла стилистик маркерланган бўлиб, имплицит маънони юзага келтиради. Эпиграф тўртлик сифатида ҳикоядан ташқари олинган ҳолида ўқувчида Худо банданинг ғам-андухини кўргач, азбаройи раҳм-шафқат юзасидан қабртошини четга суриб қўйганлиги воқеаси таассуротини қолдиради: *"His Angel saw my tears, /And rolled the stone away"*¹⁶ (13). Киплингнинг ҳикоясидан келиб чиқиб хулоса қилганда эса муаллиф ушбу эпиграф орқали бутун бошли асари учун семантик қатламда символик (тимсолий) маъно яширганини кўриш мумкин. Муаллиф наздида "... қабр тошининг четга сурилиши" инсон қалбининг тутқунликдан озод этилиши ва қайта борлик-олам билан бирлашишига ишора эканлигини тушуниш мумкин. Умуман олганда, эпиграф маълум бир асар сарлавҳасида сиқик ҳолда берилган номни очиб беришга кўмаклашади. Хулоса қилиб айтганда, Киплингнинг ўрганилаётган ҳикояси номи ва эпиграфи мантикий узвийликни намоён этишига амин бўлиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган диний маркерланган аллюзия турларидан ташқари **диний-маркерланган аллюзив воқеа** айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у адабий матнда яширин ёки ошқора кўринишда акс эттирилади. Шу ўринда, аллюзив антропоним, топоним, сарлавҳа, эпиграф ёки фразеологик бирлик келтириш орқали ёзувчининг у ёки бу диний манбага яширин равишда ишорасини билдирса, бевосита ва билвосита аллюзив воқеаларнинг фарқланиши жоизмикин, деган савол туғилади. Диний маркерланган воқеалар интертекстуаллик элементи сифатида лексик ва семантик жиҳатдан ҳажмдор кўринишга эга бўлиб, машҳур диний

¹⁴ "У қабрлар орасида ўсишни бошлаган ёш ниҳоллар узра эгилганча, гулзорлараро тиз чўкиб ўтирарди".

¹⁵ "Худонинг фариштаси самодан тушди ва эшик олдида турган тошни орқага сурди"

¹⁶ "Унинг (Худонинг) фариштаси кўз ёшларимни кўрди ва тошни четга суриб қўйди"

вокеликка нисбий алоқани вужудга келтиради. Бунда прецедент матндаги машхур ҳодиса ёзувчи томонидан аниқ ўхшатишлар, боғлиқликлар асносида интертекстга кўчирилади. Иккинчи томондан эса диний аллюзив воқеаларга ишора яширин равишда берилади, натижада чуқур диний билимга эга бўлибгина ушбу интертекстуаллик элементларини англаш мумкин.

Масалан, Жон Стеинбекнинг “Ғазаб шингиллари” асаридаги воқеалар ривожини Инжилдаги Нух пайғамбар билан боғлиқ ҳикоядан элементларни ўзида мужассам этади. Биринчидан, асарда асосий қаҳрамоннинг оиласида жами 12 аъзо (Бобо ва буви, Жон амаки, жаноб ва хоним Жоуд, Ноу, Том, Ал, Рузи, Винфилд, Шерон атиргули, Конни) бўлиб, ушбу ҳолат Инжилда таърифи келтирилган Исроилдаги 12 яхудий қабилаларини (Реубен, Симеон, Леви, Жудах, Иссачар, Зебулун, Дан, Напхтали, Гад, Ашер, Жосепх, Бенжамин) ёдга солади (4; 14). Иккинчидан, Жоудлар оиласи курғоқчилик ва очарчилик сабабли Оклахомадаги ўз яшаш жойларини тарк этишга қарор қиладилар ва барча мол-мулкларини юк машинасига ортганча, Калифорнияга йўл олишади. Уларнинг наздида Калифорния мўл-кўлчилик юрти бўлиб, у ерда иш топа олишларига қаттиқ ишонишади. Ушбу ҳолат яхудийларнинг муқаддас диний китобида яхудийларнинг ўз юртлари Мисрдаги куллик ва хўрликка маҳкум ҳаётларидан безиб, Худо томонидан ўзлари учун ваъда қилинган ўлкага (the Promised Land) йўл олганлари воқеасига ишорани кўрсатади.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотнинг қисқача баёни қўйидагиларда ўз аксини топган:

- теолингвистика дин ва тил ўртасидаги фан бўлиб, у тилда акс этувчи диний факторларни ўрганади;
- диний матнлар прецедент матн хусусиятларини ўзида мужассам этади ва аксиологик, когнитив аҳамиятга эга бўлиб, диний аллюзиялар орқали бадиий матнда ўз ифодасини топади;
- диний маркерланган аллюзиялар бадиий матнда диний-маркерланган аллюзив антропонимлар, топонимлар, сарлавҳа, эпиграф, фразеологик бирликлар ва диний-маркерланган аллюзив воқеалар орқали ифодаланади;
- диний маркерланган аллюзиялар бадиий матнда қўлланганида китобхонларнинг онгида турли хил диний характерга эга билим тузилмаларини фаоллаштиради;
- диний-маркерланган аллюзиялар маълум бир билим тузилмаларини акс этган ҳолда бадиий матнда персонажнинг характери, унинг ички туйғуларини ифодалаш учун қўлланилади;
- диний маркерланган аллюзиялар асосан имплицит характерга эга бўлиб, концептуал аҳамиятга эга бўлган ахборотни ўзида мужассам этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ашурова Д.Ю., Галиева М.Р. Стилистика художественного текста. — Ташкент: Турон-Икбол, 2016. — 272 с.
2. Ашурова Д. Ю. Лингвистика текста. — Ташкент: Турон-Икбол, 2012, 316 с.
3. Баженова Е. А. Интертекстуальность// Стилистический энциклопедический словарь русского языка/ Под ред. М. Н. Кожинной. Изд-е 2-е, испр. и доп. – М.: Флинта; Наука, 2006. — С. 104–108.
4. Библия. — Нью-Йорк: Библейское общество. The Chaucer Press Ltd., 1986. Старый Завет: — 863 с., Новый Завет: — 338 с.

5. Гадомский А. К. Религиозный язык — теолингвистика — языкознание // Учен. зап. ТНУ им. В. И. Вернадского. Серия филология. — Симферополь, ТНУ, Т. 20 (59). — № 1, 2007а. — С. 287–292.
6. Галиева М.Р. Теолингвистика: истоки, направления, перспективы. — Ташкент: VneshInvestProm, 2018. — 50 с.
7. Гальперин И. Р. Стилистика. 3-е издание. — М.: Высшая школа, 1981. — 334 с.
8. Постовалова В. И. Теолингвистика в современном гуманитарном познании: истоки, основные идеи и направления // Научно-педагогический журнал Восточной Сибири Magister Dixit. 2012. — № 4. — С. 56–103 <http://md.islu.ru>
9. Постовалова В. И. Теолингвистика и ее основания // Христианство и наука. Сб. докл. конф. — М.: РУДН, 2014. — С. 117–153.
10. <https://contentserver.adobe.com/store/books/HuckFinn.pdf>
11. <https://notamanuscripta.files.wordpress.com/2015/07/benet-babylon.pdf>
12. <https://www.fulltextarchive.com/page/Dombey-and-Son/>
13. <https://greatwar.nl/books/gardener/gardener.html>
14. <https://www.biblica.com/bible/>

References

1. Ashurova D.Yu., Galieva M.R. *Stilistika khudozhestvennogo teksta* (Stylistics of Literary Text), Tashkent: Turon-Ikbol, 2016, 272 p.
2. Ashurova D. Yu. *Lingvistika teksta* (Text Linguistics), Tashkent: Turon-Ikbol, 2012, 316 p.
3. Bazhenova E. A. *Stilisticheskii entsiklopedicheskii slovar' russkogo yazyka* (Stylistic Encyclopedic Dictionary of the Russian Language), Moscow: Flinta; Nauka, 2006, pp. 104–108.
4. *Bibliya* (The Bible), N'yu-Iork: Bibleiskoe obshchestvo. The Chaucer Press Ltd., 1986.
Saryi Zavet (The Old Testament), 863 p., *Novyi Zavet* (the New Testament), 338 p.
5. Gadomskii A. K. *Uchenye zapiski Tavricheskogo nacional'nogo universiteta im. V. I. Vernadskogo*, Ser. Filologiya, Simferopol: TNU, vol. 20 (59), No. 1, 2007, pp. 287–292.
6. Galieva M.R. *Teolingvistika: istoki, napravleniya, perspektivy*. — Tashkent: VneshInvestProm, 2018. — 50 с.
7. Gal'perin I. R. *Stilistika*. 3-e izdanie. — Moscow: Vysshaya shkola, 1981. — 334 с.
8. Postovalova V. I. *Nauchno-pedagogicheskii zhurnal Vostochnoi Sibiri Magister Dixit*, 2012, No. 4, pp. 56–103, , available at: <http://md.islu.ru>
9. Postovalova V. I. *Khristianstvo i nauka* (Christianity science), Proceedings of the Conference, Moscow: RUDN, 2014, pp. 117–153.
1. <https://contentserver.adobe.com/store/books/HuckFinn.pdf>
2. <https://notamanuscripta.files.wordpress.com/2015/07/benet-babylon.pdf>
3. <https://www.fulltextarchive.com/page/Dombey-and-Son/>
4. <https://greatwar.nl/books/gardener/gardener.html>
5. <https://www.biblica.com/bible/>